

---

## ПАХТА ҲОСИЛИНИНГ ТЕРИМ ЖАРАЁНИ БОРИБ КЎРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Олтиариқ туманидаги “Майрам Матёқубова” фермер хўжалигида пахта ҳосилининг терим жараёни бориб кўрди. 30 гектар майдондаги ҳосил “John Deere” русумли пахта териш машинасида териб олинди.

Вилоят раҳбари мазкур замонавий техникалар иш унумдорлигини ошириш, пахта хом ашёсини сифатли териб олишда муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этди.

Туманда жорий йилда 190 та фермер хўжаликлари томонидан 5600 гектар майдонда пахта етиштирилди. Бу йил 6 та пахта териш машинасида ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-12 23:58:03